



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тўраев Зухриддин Ғиёсиддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТУТГАН ЎРНИ

### Аннотация

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар беқиёс ўрин тутади. Инвестицияларга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва ривожланиш дастурларини белгилашда, асосий эътибор хорижий инвестицияларга қаратилмоқда. Ушбу мақолада юқоридаги масалалар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Иқтисодий ўсиш, инвестиция, фаол инвестиция сиёсати, капитал, молия-кредит механизми инвестицион сиёсат, ички молиявий ресурслар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамияти ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этган ҳолда, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий

соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоеън этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим”[1] деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳукукий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Қонуннинг мақсади чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир.

Инвестицияларни амалга ошириш шакллари қуйидагилардан иборат:

- юридик шахсларни ташкил этиш ёки уларнинг устав фондларида (устав капиталларида) улушли тарзда, шу жумладан мол-мулк ва акциялар (улушлар) сотиб олиш йўли билан иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни, жумладан қарз мажбуриятларини олиш;
- концессияларни олиш, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ўзлаштириш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга доир концессияларни олиш, шунингдек маҳсулот тақсимотига оид битимларда иштирок этиш;
- мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқини, муаллифлик ҳуқуқларини, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хау, ишчанлик обрўсини (гудвилли), шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига бўлган мулк ҳуқуқини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда олиш;
- ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида эгалик қилиш ва фойдаланиш) ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш.

Инвестиция сиёсати мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида унга янгича ёндашув талаб қилинади. Инвестициянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✓ иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларини мақбул жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;
- ✓ иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;

- ✓ мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонуний кафолатланган инвесторларни қониктирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;
- ✓ Иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.

Давлат инвестиция фаолиятини қуйидаги йўллар билан рағбатлантиради:

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- солиқ ва божхона имтиёзлари, шунингдек фаолият турига ва инвестиция ҳажмларига қараб ҳар бир алоҳида ҳолат учун белгиланадиган муддатларга преференциялар бериш;
- эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш;
- Халқаро шартномалар тузиш.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестицион жозибadorлигини ошириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор чора тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қароридан алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ вазифаларга устуворлик берилган[2].

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ичида саноат тармоғи ўзига хос ўрин ва мавқега эга. Шу сабабли тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтириш мавжуд техника ва технологияларни доимий равишда янгилаб бориш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш орқали инновацион ишланмаларни жорий этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Кичик саноат корхоналарини молиялаштиришда корxonанинг ички захиралари, яъни ўз молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ички молиявий ресурсларидан унумли фойдаланиш корxonанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва ресурслардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланишни назарда тутаяди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш республикаимиз миллий иқтисодиётини шу жумладан, саноат тармоғини ривожланишига кучли туртки берувчи тадбирдир. Шунинг учун ҳам ҳукуватимиз молия сиёсати стратегиясида молия-кредит механизмининг такомиллаштирилган ҳолда инвестицион фаолиятни рағбатлантириш муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги инвестициялар сарфланишини объектив равишда талаб этади.



Шу боис, бозор иқтисоди шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- ✓ тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлаш. Бу саноат тармоғида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;
- ✓ кичик саноат корхоналари учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши. Бунда соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур;
- ✓ Ажратилган маблағлар тизимни барқарорлигини таъминлаш мақсадида, кичик саноат корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар соҳанинг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этади. Улар янги иш жойлари барпо этилишини таъминлайди, саноат тармоғида банд бўлган тадбиркорларнинг билимларини, малакаларини юксалтиради, бозор муносабатларини шакллантиради. Уларнинг уйғунлашиши натижасида тармоқда хизмат кўрсатиш ва етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтирилиб, рақобатбардошлиги ошади. Бу, ўз навбатида, аҳолини ва давлатнинг талаби қондирилишини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтиради. Буларнинг ҳаммаси инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Миллий иқтисодиётнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва уларни молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида иқтисодиёти ривожланган хорижий давлатлар молиялаштириш тажрибаларини ўрганиш такомиллаштириб бориш ва улар амалиётидаги ижобий ютуқлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Умуман олганда, истиқболда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг нафақат кредитга лаёқатлилигини аниқлаш, балки уларнинг лойиҳа таҳлиллари ҳамда самарадорлигига ҳам эътиборини қаратиш зарур. Бу эса, инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлишини ва молиялаштирувчи муассаса томонидан унинг жозибадорлиги ёки фойдалилигига тўла ишонч ҳосил қилишни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш республикамиз миллий иқтисодиётининг ривожланишига кучли туртки берувчи тадбирдир. Шунинг учун ҳам ҳукуратимиз молия сиёсати стратегиясида молия-кредит механизмини такомиллаштирган ҳолда инвестицион фаолиятни рағбатлантириш муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр. - №271-272 (7229-7230) сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр. - №271-272 (7229-7230) сони.